

ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Тарих



Сотиб олинган инқилоб: Кайзер Россия империясининг ҳалокати учун қанча тўлаган?



Ленин немис агенти эмасди, у шунчаки соткин сиёсатчи эди, дейди австриялик тарихчи ва публицист Элизабет Хереш. Нега Германия 1917 йилги рус инкилобига пул сарфлади? Агар Берлиндан ёрдам олмаганида, большевиклар ҳокимият тепасига келиб, уни саклаб қола олармиди? Биз бу саволларни австриялик ёзувчи, тарих фанлари доктори, Россия тарихига оид ўндан ортиқ китоблар, жумладан, “Парвус иши. Сотиб олинган инкилоб” монографиясини нашр этган Элизабет Херешга бердик.

Deutsche Welle: Германиянинг болшевикларни кўллаб-қувватлаш учун маблаг ажратганлиги хакикатдир. Лекин у бир ўзими? Берлин ўшанда қандай мақсадларни кўзлаган?

Элизабет Хереш: Мақсад - урушни тугатиш эди. Катта саъй-ҳаракатларсиз Россия империясини мағлуб этишнинг иложи йўқ эди, уруш аниқ чўзилиб кетаётган эди, вазиятни ҳал қилишнинг бошқа йўлларини излаш керак эди. Подшоҳ тахтдан воз кечгандан сўнг, Керенский билан келишиш ҳам мумкин эмас эди - у тинчлик ўрнатилишига қарши эди, чунки унинг иттифокчилари Франция ва Англия Германия устидан галаба қозонгунча урушда Россияни кўллаб-қувватламокчи эдилар. Пулга келсак, у нафакат Германиядан келган. Аммо бу молиялаштириш манбаи 1915 йил мартдан 1918 йил майигача асосий, энг барқарор эди: маблаглар узок вақт давомида мунтазам равишда, узлуксиз келиб тушди. Пул АКШдан ҳам: Американинг йирик қорхоналаридан келган. Маблаг ажратган хусусий шахслар билан алоқалар Троцкий томонидан ўрнатилди. Бундан ташқари, Буюк Британиядан молиялаштирилди. Аммо бу миқдорларни Германиядан келган улкан маблаглар билан таққослаб бўлмайди. Германия болшевикларни нафакат молиявий томондан кўллаб-қувватлади. У уларга ўз ҳудуди - Россия билан уруш олиб бораётган давлат ҳудуди орқали Россияга қайтишга рухсат берди. Ўша пайтда Лениннинг Петроградга бориш учун бошқа имкони йўқ эди.

- Китобингизда немис пулларини олиш жараёнидаги асосий ролни Германия ташқи ишлар вазирлигига Россиядаги автократияни ағдариш режасини тақдим этган марксист, инкилобчи, тадбиркор Александр Парвусга тегишли дегансиз. Хақиқатан ҳам унинг роли шунчалик каттамиди?

- Унинг роли жуда катта эди. У Берлинга Россияда тузум ағдарилишига қадар уюшган тартибсизликларни тайёрлаш режасини тақлиф қилди. Парвус режасига эквивалент муқобил вариантлар йўқлиги сабабли, уни мунтазам равишда маблаг ажратган ҳолда амалга оширишга қарор қилинди. Режага, жумладан, социалистик инкилоб учун қурашаётган партияларни (хусусан, болшевиклар) кўллаб-қувватлаш, сепаратистик ҳаракатларни кўллаб-қувватлаш, кўпоровчилик ҳаракатларини ташкил этиш, таъминотни ёмонлаштиришга қаратилган кўпоровчилик фаолияти қиритилган. Жойларда озик-овқат, қийим-кечак, ўқ-дори́ларнинг етишмаслиги янги гоёларни тарғиб қилиш, урушга қарши ва ҳукуматга қарши қайфиятларни тарқатиш учун “асос” бўлди.

- Ленинни "немис агенти" деб ҳисоблаш мумкинми?

- Ленин ва болшевиклардан қуйидагилар талаб қилинди: у ва унинг партияси Россияда бошқарувни кўлга олгач, улар дарҳол Германия билан ва Берлин учун мақбул шартларда сулҳ тузадилар. Ленин немис агенти эмас эди, чунки "агент" сўзи қандайдир жосуслик фаолиятини амалга оширишни назарда тутди. Ленин айғокчи эмас эди, лекин у сотқин сиёсатчи эди. У Россияга қайтиш имкониятини ва нафакат ҳокимиятга келиш, балки уни саклаб қолиш учун етарли маблаг олди. Парвус ўз гоёлари билан Ленин ва Троцкийга яқин эди, "ўзининг" одами эди ва Германия идеал шерик бўлиб туюлди, чунки у умуман Россияни заифлаштиришга ва урушни тугатишга ҳаракат қилди. Манфаатлар мос келди. Менимча, 1915 йилда Парвус томонидан ишлаб чиқилган режа ва Германиянинг ёрдамисиз Ленин ҳеч қачон ҳокимият тепасига келмасди. Биринчидан, Россия Биринчи

жахон урушида галаба козониши мумкин эди. Эҳтимол, агар Берлиндан уюштирилган кўпоровчилик ҳаракатлари бўлмаганида, бу биз ҳозир таҳмин қилганимиздан ҳам тезроқ содир бўлар эди. Агар уруш чўзилиб кетмаганида, эҳтимол 1917 йил февралида инкилоб бўлмас эди. Агар инкилоб содир бўлмаганида, Муваккат ҳукумат амнистия эълон қилмаган бўларди ва Ленин Россияга қира олмас эди. 1917 йил бошида ҳам Лениннинг ўзи Россияда социалистик инкилоб бўлиши мумкинлигига ишонмасди, аммо кейин февраль воқеалари рўй берди, подшоҳ тахтдан воз кечди, шунингдек, уйга қайтиш учун ва мамлакат ичида сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади ва ҳукукий жихатдан кураш олиб бориш имконияти мавжуд эди. Парвус барча томонларни ушбу тадбирнинг галаба козонишига ишонттира олди, тўғри ургуларни белгилади, бир неча йил олдинга ва 1917 йил октябридан анча олдин режалаштирилган ҳаракатларни белгилади.

- Тадбирнинг галаба козониши? Лекин оқибатда ютказганлар ютганлардан анча кўп бўлиб чикди-ку?

- Ҳа, Германиянинг ўзи большевиклар тўнтаришининг оқибатларини жуда тез ҳис қилди - улар Ленин ҳақида ва унинг аниқ нима қилмоқчи эканлиги ҳақида олдиндан тасаввурга эга эмас эдилар! Ва, биринчи навбатда, рус халқи ютказди. Ленин ватанпарвар эмасди, унинг учун халқ манфаати аҳамиятсиз эди. У ҳокимиятга демократия ва фуқаролик ҳуқуқларига тупуриб келди ва нодемократик усуллар билан ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турди. Деярли дарҳол "тозалашлар" бошланди ... Парвус ҳам большевиклар ҳокимиятга қелишидан ҳеч нарса ютмади: у дунёда марксизмга асосланган биринчи давлатда министр бўлишига умид қилди, лекин Ленин унга бундай имконият бермади. Парвус унинг учун "тирик компромат" эди. Агар "қелишув" нинг барча тафсилотлари ошқор бўлганида, агар кенг жамоатчилик душман билан шартнома тузилганидан хабардор бўлганида, Лениннинг иши чапасидан келган бўлар эди. Колаверса, Ленин Парвуснинг ундан қанчалик устун эканлигини билар эди. Парвус даҳо эди - Россия учун ёвуз даҳо.

Абу Муслим таржимаси